

“Тасдиқлайман”

Тошкент вилояти рухий-асаб

касалликлар диспансери

Бош шифокори ва танлов

комиссияси раиси

Ф.А.Шоносирова



2022 йил

Энг яхши таклифни танлаш бўйича

Харид қилиш ҳужжатлари

(озиқ овкат етказиб бериш учун утказилаётган танлов учун)

1. Танлов ўтказиш услуби	Балл услуби (энг хши таклиф танлови) учун иштирокчилар томонидан электрон тарзда https://etender.uzex.uz/ портали орқали такдим қилинган ҳужжатларнинг техник ва нарх қисмлари комиссия аъзолари томонидан сифат ва ишончлилиги ўрганилиб баҳоланади, энг юқори балл тўплаган иштирокчи ғолиб бўлади.
2. Иштирокчилар томонидан таклифларни қабул қилиш муддати	Ушбу эълон порталга жойлаштирилган кундан бошланиб, порталда тугаши белгиланган сана ва вақтгача
3. Танлаш ҳужжатларини тайёрлаш тили	Ўзбек тилида ва рус тилида
4. Боғланиш учун алоқа маълумотлари	Тошкент вилоят рухий-асаб касалликлар диспансери бош шифокори телефон рақами: (90) 354-95-39; 70-71-6-56-39;
5. Бюртмачи манзили	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А.Навоий кўчаси, 248 А уй

Асосий талаблар

Т/р	Талаб номи	Тасдиқловчи ҳужжат
1.	Аутсорсернинг Давлат идоралари рўйхатидан ўтказилаганлиги ҳақидаги гувоҳнома мавжудлиги , виждонсизлар рўйхатида турмаслиги ҳақида	Гувоҳнома нусхаси , маълумотнома
2.	Танлов иштирокчисининг банк ҳисоб рақамида Жойлаштирилган эълон қийматининг 30% миқдорида пул маблағига эга бўлиши шарт	Банкдан маълумотнома
3.	Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги	Маълумотнома олинганига бир ойдан ошмаган бўлиши керак
4.	Озиқ-овқатларни етказиб бериш муддати ва бир ҳафталик озиқ - овқат менюси	Умумий ишлаб чиқариш графиги
5	Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслиги бўйича қафолат хатининг мавжудлиги	Қафолат хати

Таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда <https://etender.uzex.uz/> порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

Таклифларни баҳолаш меъзонлари ва кўриб чиқиш тартиби

Иштирокчилар қўйилган талаблар учун такдим қилган ҳужжатларига, яъни техник қисмининг миқдорий кўрсаткичларига ва нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичлари учун умумий 100 балл тўплашлари мумкин.

Эслатма: Техник қисмидаги бирорта талабга жавоб бера олмаса иштирокчилар танловдан дисквалификация қилинади.

Иштирокчилар билан ҳисоб-китоб тартиби.

Ғолиб билан ҳисоб-китоб миллий валюта (сўм)да амалга оширилади. Танлов ғолибига шартнома қиймати бир миллиард сўмгача бўлса 30%, ундан юқори бўлган тақдирда 15% (Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан) миқдорда олдиндан тўлов ўтказиб берилади. Қолган маблағ ғолиб лойиха ташкилоти томонидан танловга қўйилган озиқ-овқатлар миқдорини ўз вақтида етказиб бергандан сунг ҳисоб фактура асосида ўтказиб берилади.